
15 май - Халқаро оила куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди

Фурқат тумани Оила ва хотин қизлар, маданият ва туризм бўлими билан биргаликда тумандаги фаол аёллар иштирокида байрам тадбири ўтказилди.

Оналарга эҳтиром кўрсатилган байрам тадбирда юксак инсоний фазилатлари, самарали меҳнат фаолияти, оилада фарзандлар тарбиясидаги ибрати билан эл назарига тушган, юрт равнақи, Ватан тараққиёти учун камарбаста бўлган фидойи фарзандларни вояга етказган оналарга эсдалик совғалар топширди. Байрам тадбирида барча иштирокчи оналарга эҳтиром гуллари улашилди.

Байрам дастурида мўътабар онахонларга бағишланиб, янграган куй-қўшиқлар, гўзал рақслар дилларга янада кўтаринкилик бағишлади.

2023-05-12 20:52:38